**Абдураҳим БОЛТАЕВ,**
*Бухоро давлат университети доценти,*
*сиёсий фанлар номзоди*

# МАВЛОНО ЯЪҚУБ ЧАРХИЙ ЎЗ УСТОЗИ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТЎҒРИСИДА

*2020 йил «Бухоро ислом маданияти пойтахти» тантаналарига бағишланади*

Устоз-шогирдлик анъаналари умуминсоний қадриятлар сирасига киради. Бу тушунча шу қадар катта тарихий давр билан биргаликда катта мазмунни ҳам ўз ичига қамраб оладики, ҳар бир халқ ўз миллий менталитетида уни ўзига хос тарзда ифода этади. Шарқ халқларида эса устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатлар халқ маънавий-ахлоқий онгининг ажралмас бир бўлагига айланиб бўлган.

Устоз-шогирдлик тушунчасининг умумий мазмуни устозни улуғлаш, унинг қадр-қимматини ўрнига қўйишга, шогирдни эса тавозеъ ва камтар бўлишига қаратилган. Бунинг яққол ифодаси сифатида Алишер Навоийнинг

“Шогирд агар шайхулислом, агар қозидир,
Агар устоз андин рози, Тангри розидир”,

деган ҳикматли байтида кўриниб турибди.

Худди шундай анъанага содиқлик тасаввуф адабиёти намуналарида, машойихлар ва толиби илмлар ўртасидаги муносабатларда ҳам мустаҳкам ўрин эгаллаганки, бу маъно уларнинг ҳаёт тарзлари ифодаланган мақомотларда, тариқатларининг назарий асослари баён қилинган асарларида намоён бўлган.

Шундай асарлардан бири Баҳоуддин Нақшбанднинг энг яқин шогирдларидан бўлган ҳалқа пири Мавлоно Яъқуб Чархийнинг “Рисолаи унсия” (Дўстона суҳбатлар тўғрисида рисола) асаридир. Мазкур асар ўзида нақшбандия тариқати, сулук ва одоби, унга амал қилиш усуллари ва тартиби тўғрисидаги қимматли асар бўлиш билан биргаликда Баҳоуддин Нақшбанд ва Мавлоно Яъқуб Чархий ўртасидаги устоз-шогирд муносабатлари ҳақида маълумотлар берувчи асар сифатида ҳам беназирдир. Бу асар форс тилида ёзилган бўлсада, ундаги Қуръон оятлари, ҳадислар ва бошқа ҳикматли иборалардан келтирилган иқтибослар арабчадир.

Мавлоно Яъқуб Чархий унда ўзининг тариқатдаги аввалги ҳоли ва кейинги ҳоли тўғрисидаги келтирган воқеалар баёни тўлиғича устози комили бўлган Баҳоуддин Нақшбанд билан чамбарчас боғлиқ ҳолда келади.

У Бухорога илоҳий илмларни излаб, Баҳоуддин Нақшбанд олдига шогирд мурид сифатида келади. Ўзи буни эслаб, қуйидагича баён қилади:

“Қачонки, бу фақирда иллатсиз иноят билан талаб даъвоси пайдо бўлгач, илоҳий фазл мени у ҳазрат томонга тортди. Бухорода у зотга мулозамат қилдим. Мен умумий карам юзасидан уларнинг илтифотига сазовор бўлар эдим ва самадий ҳидоят билан аниқ билиндики, у зот авлиёуллоҳнинг хосларидан ва комилу мукаммалларидан эканлар. Кўплаб ғайбий ишоралар ва воқеалардан сўнг бир куни Каломуллоҳга назар қилдим. Бу оят чиқди: “Ана

ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир. Бас, уларнинг ҳидоятига эргаш” (Анъом: 90.).

Бу мазмундан англашиладики, Яъқуб Чархий ўз устозининг улуғ валийлардан эканлигини нафақат ақлий далиллар орқали англаган, балки содир бўлган қатор-қатор илоҳий ишоралар, карометлар воситасида ҳол билан ҳам тушуниб етган. Булардан ташқари, Қуръонга боқиб, юқоридаги оят маъносидан узил-кесил хулосасини ясаган.

Бу жойда биз шогирднинг ўз устозини эслаганда у амал қилаётган одобига эътибор қаратайлик. У устозини қаттиқ ҳурмат қилган ҳолда «унга» деб эмас, «у зотга» деб, «унинг илтифотига» деб эмас, «уларнинг илтифотига» дея, сизлаб, яна турли «авлиёуллоҳнинг хосларидан, комилу мукаммалларидан» каби гўзал сифатлар билан эсламоқда.

Яъқуб Чархий маълум муддатгача ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан барча муридлар қатори умумий сабоқни олиб юради. Сабоқлари лозим даражага етгач, у ва устози ўртасида энг муҳим суҳбат бўлиб ўтади, яъни хожагон тариқатининг асрлардан буён устоздан шогирдларга ўтиб келаётган илоҳий илмларни тўлалигича топшириш маросими бўлади. Бундай олий шарафга ҳамма шогирдлар ҳам мушарраф бўлавермаган. Буни Яъқуб Чархий мазкур асарида қуйидагича хотирлайди:

«Бу фақирнинг *(Бухородаги)* охирги кунлари Фатҳободда эди. *(Бир куни)* Сайфуддин Бохарзий (Унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) мозорига мутаважжиҳ бўлиб ўтирган эдим, ногоҳ илоҳий қабул пайкони келиб тегди. Беқарор бўлиб, у ҳазратнинг ёнларига бормоққа қасд қилдим. Кўшки Ҳиндувон қишлоғига етганимда, у зотни йўл бошида менга интизор бўлиб турган ҳолда топдим. Очиқ юз билан кўришдилар. Шом намозидан сўнг (мен билан) суҳбат қурдилар. Мени у кишининг ҳайбатлари босди ва менда бир сўз дейишга мажол йўқ эди. Айтдилар: “Ҳадисда “Илм икки хилдир. Бири қалб илми бўлиб, у авлиё ва анбиёларнинг фойдали илмидир. Иккинчиси тил илми бўлиб, у Одам болалари устида Аллоҳнинг ҳужжатидир”. Умидимиз борки, сенга илми ботиндан бир насиба етсин”. Ва яна айтдиларки, “Ҳадисда “Аҳли сидқ билан ўтирсангизлар, садоқатли бўлиб ўтирингларки, улар қалбларнинг жосусидирлар. Қалбларингизга кирадилар ва ҳимматларингизга назар қиладилар”. Биз бу оқшом нима ишорат бўлишини кутишга буюрилганмиз. Шунга амал қилайлик”. Бомдод намозини ўқиб бўлганларидан сўнг: “Муборак бўлсин, қабул қилинганингизга ишорат бўлди! Биз ҳаммани ҳам дарров қабул қилавермаймиз. Қачонки вақти келсагина қабул қиламиз”, дедилар. Сўнг ўзларининг устозлари силсиласини Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийгача (Унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) баён қилиб бердилар. Бу фақирни вуқуфи ададийга машғул қилдилар. Ва “Хожа Абдулхолиққа етган илми ладунийнинг биринчи сабоғи шу”, дедилар.

Юқоридаги баёндан англашиладики, нақшбандия тариқати асосчиси бўлган, буюк пир Баҳоуддин Нақшбанд ўз шогирдига тариқат сирларини тўла таслим қилгунига қадар уни керакли мақомгача тарбиялаб, вояга етказган. Буни улар орасида бўлиб ўтган «илоҳий қабул пайкони» воқеаси кўрсатиб турибди. Яъқуб Чархий Бухоро шаҳридаги Сайфиддин Бохарзий қабри ёнида турганида у жойдан ўн икки километр узоқда, Қасри ҳиндувон қишлоғида турган Баҳоуддин Нақшбанддан хабар келади, яъни у ўзини устози чақираётганини ҳол илми орқали аниқ билади. Бу эса унинг шу даража ва мақомга етганини билдиради. Ёки яна эътиборга лойиқ жиҳати хабарлашувдан сўнг устози ҳам ўз шогирдининг ҳурматига йўлгача чиқиб, кутиб туради. Улар орасидаги асосий суҳбат эса шом намозидан кейин одамлар кундузги талотўплардан фориғ бўлиб, уй-уйларига кириб, ҳаммаёқ тинчигандан сўнг бўлиб ўтади. Албатта, бу ўринда Яъқуб Чархий бўлиб ўтган суҳбатни батафсил айтмай, жуда қисқа ва ишора тили билан айтиб ўтган. Устозининг ишлатган ҳадислари ва ҳикматли гапларидан тушуниш мумкинки, у ўз шогирдига ботин илмини, қалблардан ўтган фикрларни қандай англаш йўлларини охиригача амалда қўллаш йўлларини ўргатган. Бу сўнгги сабоқлар ниҳоясига етгач, энди ўзга оламдан шогирднинг қабул бўлган-бўлмаганининг хабарини кутади. Хушхабар келгач, у шогирдини табриклайди

ва «Биз ҳаммани ҳам қабул қилавермаймиз», дейди. Бу жумла билан у шогирди Мавлоно Яъқуб Чархийнинг илоҳий илмларда нақадар юқорилаганини таъкидлайди.

Сабоқлар тугаб, Яъқуб Чархий тариқат давомчиси бўлгани эътироф этилгандан сўнг ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд шогирди билан хайрлашади. Бу воқеани муаллифнинг ўзи қуйидагича тасвирлайди:

«Шундан сўнг мен бу фақирга Бухородан сафар қилишга ўзлари ижозат бергунларига қадар у ҳазратнинг мулозаматларида бўлдим. (Хайрлаша туриб) шундай дедилар: “Биздан сенга нимаики етган бўлса, уларни Худой таъолонинг бандаларига етказ. Токим, бу уларнинг саодатига сабаб бўлсин”. Видолашаётганларида уч бор “Сени Худога топширдим”, деб айтдилар.

Мана шу ўринда нақшбандия тариқатининг икки улуғвор пири, устоз ва шогирд ўртасида вужудга келган бир неча йиллик риштадан, чекилган заҳматлардан ва ҳосил бўлган устоз-шогирдликдан мурод нима эканлиги яққол маълум бўладики, бу билан биз аждодларимизнинг нақадар буюк маънавият соҳиби эканликларини кўрамиз. Устоз бу илмларни ўз шогирдига ўтказганидан асосий мақсад уни Худой таъолонинг бандаларига етказиш ва шу илм туфайли уларни икки дунё саодатига эриштириш эканлигини айтади.

Бу воқеадан нақшбандия тариқатидаги устоз-шогирдликнинг моҳияти маълум бўлади.

Агар биз «Рисолаи унсия»да Яъқуб Чархий баён қилган воқеалар занжирини кузатиб борсак, бу икки буюк зот ўртасидаги устоз-шогирдлик муносабатлари Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин ҳам давом этганлигининг гувоҳи бўламиз. Яъқуб Чархий эслаб ёзади:

«Бухородан чиқилгандан сўнг Кеш шаҳрига борилди. Анча пайтлар ўша жойда истиқомат қилиб юрилган эди, бу фақирга у ҳазратнинг вафот этганларининг хабари етиб келди. Хотир маҳзун ва мажруҳ бўлди. Наузу биллоҳки, табиъат оламига катта майл пайдо бўлиш хавфи туғилди. Талаб даъвоси йўқолди. У зотнинг руҳларини кўрдим. Руҳлари менга Зайд ибн Ҳорисани эслатди ва “Муҳаммад ҳам бир пайғамбар, холос. Ундан аввал ҳам пайғамбарлар ўтган. Агар у ўлса, ёки қатл қилинса, орқангизга қайтасизми?!” (Оли Имрон: 144.) оятини ўқиди».

Яъқуб Чархийнинг сўзларидан шуни тушунса бўладики, у устози вафотидан кейин бироз вақт ўтгач нафс истакларига мойил бўла бошлайди. Шунда устозининг руҳи унга кўриниб, уни бу нотўғри йўлдан қайтариб, танбеҳ беради ва яна ўзи ўргатиб кетган тариқатга қайтаради

Яъқуб Чархий яна анча вақтлар ўтгач, бошқа тариқатларни ҳам ўрганиб кўрмоқчи бўлади. Бироқ унга яна аввалгига ўхшаш ҳодиса рўй беради. Унинг ўзи буни бундай баён қилади:

«У ҳазратнинг суҳбатларидан узилганим учун у кишининг дарвишларидан бўлмаган бошқа тоифа дарвишлар билан суҳбат қуришга майл пайдо бўлди. Уларнинг йўлларини тутиб, тариқатларига эргашмоқчи бўлдим”.

Хуллас, Яъқуб Чархий устозига, унинг йўлининг тўғрилигига тўла ишонч билан эргашди. Бу йўлнинг тўғрилигига пири комили билан унинг вафотидан кейин бўлган руҳий алоқа жараёнидаги бир суҳбатни асос қилиб кўрсатади:

«Яна қайта У зотни вақт ичида кўрдим. Сўрадим: “Биз сизни қиёмат кунида қандай қилиб топамиз?” Айтдилар: “Мени шариатга қаттиқ амал қилсангизгина топасизлар”. Бунда уч башоратга ишорат бордир. У зот тириклик пайтларида айтар эдилар: “Биз илоҳий фазл билан нимани топган бўлсак, барчасини Қуръон оятларига ва пайғамбар ҳадисларига амал қилганимиз баракасидан топдик. Бундан натижа талаб қилиш учун тақвога ва шариат чегараларига риоя қилиш, ҳар бир ишни суннат ва жамоат билан амалга ошириш ҳамда бидъатлардан ижтиноб қилиш лозим бўлади”.

Ўз устозидан илоҳий илмларни қабул қилиб олган Яъқуб Чархий ўзи ҳам шу силсиланинг улуғ пирига айланди. Кейинги асрлардаги нақшбандия тариқати ривожи учун ўзи замин бўлди ва устозидан олган сабоқларини шогирдларига бус-бутун етказиб берди.